



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BUXORO VILOYATI HOKIMLIGI APPARATI

200118, Buxoro shahri, I. Mo'minov ko'chasi, 1-uy. Tel: (365) 224-34-85, faks: 223-05-95, e-mail: info@buxoro.uz, buxoro@exat.uz

2021-yil " 26, 11

8/7874 -son

Buxoro sh.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги **“Рақамли Ўзбекистон - 2030”** стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сонли Фармони 21а-илова 8-банди ижросини таъминлаш, **«Маҳалла»** ягона ахборот тизимини жорий қилиш юзасидан Бухоро вилоятида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Жумладан, вилоятдги **544** та маҳалла фуқаролар йиғинлари биноларида юқори тезликдаги маълумотларни узатиш учун **GPON** технологияси асосида оптик толали интернет тармоқлари ўтказилиб, яқуний қурилмалар ўрнатилди.

Шу билан бирга маҳаллаларнинг интернет хизматидан фойдаланишлари учун тегишли шартномалар расмийлаштирилди. Ҳозирги кунга қадар вилоятдаги 296 та маҳалла фуқаролар йиғинлари интернет тармоғидан узлуксиз фойдаланиб келмоқда.

Маҳалла фуқаролар йиғинларининг моддий-техника билан таъминотини яхшилаш, иш самарадорлигини яхшилаш мақсадида **46** та маҳалла фуқаролар йиғинлари замонавий моноблок компьютер техникалари билан таъминланди.

«Рақамли Ўзбекистон - 2030» стратегияси доирасида **2020-2022** йиллар давомида Бухоро вилоятини рақамли трансформация қилиш дастури» тасдиқланган бўлиб, мазкур дастурнинг 21-бандида, 1-босқичда **«Маҳалла»** ягона ахборот тизимини ҳудудда жорий этиш мақсадида Маҳалла ва оилани кўллаб-қувватлаш шаҳар ва туман бўлимларидан жами **13 нафар** масъул этиб белгиланиб, уларга тегишли логин ҳамда махфий калитлар яратиб берилди.

Фуқаролар йиғинлари ходимларининг тизимдан фойдаланиш

тартиб қоидалари бўйича Бухоро шаҳрида икки мартаба амалий семинарлар ташкил қилиниб, **65 нафар** маҳалла раиси ўринбосарларининг саводхонлиги оширилди.

Ҳозирги кунда синов тарзда Бухоро шаҳридаги **65 та** маҳалла фуқаролар йиғинларида масъул этиб белгиланган ходимлар томонидан “**baza.rmk.uz**” электрон манзили орқали маҳаллага оид дастлабки маълумотларни киритиш ишлари олиб борилмоқда.

Туманлар ва шаҳарларда мазкур тизимни босқичма-босқич сифатли жорий қилиш мақсадида тегишли логин ҳамда махфий калитлар маҳалла масъулларига тақдим этилди.

Ҳозирги кунда тизимни ишлатиш, маълумотлар киритиш бўйича хато ва камчиликларни бартараф этиш ишлари олиб борилмоқда.

**Вилоят ҳокимининг
ўринбосари**


Й.Жумаев

Бухоро вилояти бўйича ахборот тизимидан фойдаланувчилар рўйхати

№	бириктирилган масъул шахс				охириги ўзгариш санаси
	туманлар	Ф.И.О.	иш жойи ва лавозими	кўл телефон	
1	Когон ш.	Шайдосева Мусавира Мўминовна	Бўлим бошлиғи в.б.	998906353853	30.08.2021 15:03:10
2	Бухоро ш.	Умарова Маърифат Бакаевна	Бўлим бошлиғи ўринбосари	998914414177	09.11.2021 09:53:02
3	Бухоро I	ABDULLAYEVA SHOIRAXON YARASHEVNA	Бўлим бошлиғи биринчи ўринбосари	998913125676	18.09.2021 12:26:12
4	Вобkent I	Халимова Шахноза Каримовна	Бўлим бошлиғининг биринчи ўринбосари	998914052284	07.07.2021 09:48:54
5	Жондор I	CHO'LLIYEVA GULZODA KOMILOVNA	Бўлим бошлиғининг биринчи ўринбосари	998913110553	18.09.2021 14:23:46
6	Когон I	Ражабова Лайло Мурадовна	Бўлим бошлиғи	998990463502	26.08.2021 12:47:25
7	Қорақўл I	Қомилова Саломат	Бўлим бошлиғининг биринчи ўринбосари	998914095252	03.11.2021 14:48:19
8	Қ-бозор I	Рахимова Шахноза Хамроевна	Бўлим бошлиғи	998914025543	30.06.2021 17:38:43
9	Олот I	QUVONDIQOVA SHINNI USMONOVNA	Бўлим бошлиғи биринчи ўринбосари	998909601856	26.08.2021 11:31:10
10	Пешку I	Замира Опа	Бўлим бошлиғи	998930800013	14.09.2021 11:28:43
11	Ромитан I	Хўжакулов Шухрат	Бўлим бошлиғи	998934552362	26.08.2021 12:12:11
12	Шофиркон I	Носиров Шохрух Шаҳоб ўгли	Бўлим бошлиғи ўринбосари	998936843124	26.08.2021 12:06:08
13	Ғаждувон I	KAMOLOVA ISTAT SHUKUROVNA	Бўлим бошлиғининг биринчи ўринбосари	998919240725	27.08.2021 13:57:55